ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'K.U.F. F.T.U.U.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

ISHONCH

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2007 йил 23 январ
сешанба № 11 (2268)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ СИНГАПУРГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Сингапур Республикаси Президенти Селлапан Рам Натаннинг таклифига биноан 2007 йилнинг 24-26 январ кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Учрашувлар чоғида томонлар Ўзбекистон - Сингапур муносабатларини кенгайтиришга оид масалаларни, ўзларини қизиқтирган халқаро муаммоларни муҳокама қиладилар.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш қатнашчиларига

Муҳтарам ватандошлар!
Азиз дўстлар!

Ўзбекистон — бугунги кунда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ҳамжиҳатлик шароитида аҳил-иноқ яшаб, меҳнат қилаётган кўп миллатли мамлакатдир.

Қадимий диёримизда асрлар давомида турли маданият ва цивилизациялар ёнма-ён яшаб келгани, бу эса бағрикенглик, тинчликпарварлик, саховат ва меҳр-оқибатлилик фазилатлари билан ажралиб турадиган халқимизнинг ўзига хос менталитети шаклланишида муҳим аҳамият касб этгани шубҳасиз.

Бу нафақат ноёб ўзига хослик, балки аҳамияти ва моҳияти жиҳатидан ҳар биримиз учун бебаҳо бўлган ғоят катта бойликдир. Бир томондан халқларнинг ўзига хослиги ва бетакрорлигини сақлаш учун, бошқа томондан — тарихан шаклланган қадимий миллий маданиятлар, санъат ва халқ ижодиёти, юз йиллар давомида таркиб топган миллий анъана ва урф-одатларнинг ўзаро яқинлашуви ва бир-бирини бойитиши учун, мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳурмат муҳитини қарор топтириш учун очилаётган имкониятларнинг нечоғли юксак аҳамиятга эга эканини ҳам алоҳида таъкидлашимиз жоиз.

Инсонлар орасидаги ана шу ўзаро ҳурмат муҳити, улар қайси тилда сўзлашишидан қатъи назар, Ўзбекистон деб аталган умумий уйимизда ҳукм сураётган тинчлик, барқарорлик ва осойишталикнинг энг муҳим асоси ва гарови бўлиб хизмат қилмоқда.

Бир қарашда оддий туюладиган, аммо ғоят теран ва муҳим бўлган бундай тушунча ва ҳақиқатлар тўғрисида гапирар эканмиз, Сиз, миллий маданият марказлари раҳбарлари ва фаолларининг халқимиз фаровонлиги, осмонимиз мусаффолиги, фарзандларимиз ва набираларимиз келажаги йўлида қилаётган том маънодаги олижаноб ва фидокорона меҳнатингиз учун ҳар қанча таҳсин-тасаннолар айтсак арзийди.

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, Республика Байналмилал маданият маркази ўз фаолияти давомида мамлакатимизда миллатлараро ва фуқароларо тотувликни янада мустаҳкамлашга қаратилган янги ғоя ва ташаббуслар пайдо бўлаётган ҳақиқий дўстлик уйига айланди.

Сизларни Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганлигининг 15 йиллиги билан чин юракдан табриклашга ва барчангизга самимий миннатдорлик туйғуларини изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Сизларга мустаҳкам соғлик, бахт-саодат, мамлакатимизнинг бугуни ва келажаги учун ғоят муҳим бўлган фаолиятингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 15 йиллиги муносабати билан миллий-маданий марказларнинг бир гуруҳ фаолларини мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизда миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатлик ва тотувликни янада мустаҳкамлашга, ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик, мустақиллик ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга, миллий-маданий марказлар фаолиятини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ»

Волков Петр Петрович — Андижон вилояти Рус миллий-маданий маркази раиси, «Андижанская правда» газетаси муҳаррири

Эрметова Шарофат Джураваевна - Тошкент шаҳар «Ориёна» тожик миллий-маданий маркази раисининг ўринбосари, Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «Дўстлик» гуруҳи катта муҳаррири

Миллий маданиятлар, урф-одат ва анъаналарнинг ўзига хослигини сақлаш ва ривожлантириш, турли миллат вакиллари ўртасида дўстлик ва қардошликни мустаҳкамлаш соҳасидаги самарали хизмати ҳамда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдикаримов Алимжан Шауленович — Қорақалпоғистон Республикаси Қозоқ миллий-маданий маркази аъзоси, Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси Нукус филиалининг бош мутахассис-эксперти

Айхвальд Нина Ивановна — Фарғона вилояти Немис миллий-маданий маркази раиси

Джанибеков Абдусалом — Сирдарё вилояти Қирғиз миллий-маданий маркази раиси, Вилоят педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг кафедра мудири

Ихсанов Равиль Ядгарович — Қашқадарё вилояти Татар-бошқирд миллий-маданий маркази раиси, «Новости Кашкадарьи» газетасининг махсус мухбири

Курбанов Оразмырат Режепович — Республика Туркман миллий-маданий маркази раиси, «Ҳунарманд ва КОР» очиқ акциядорлик жамияти директори

Михайлов Виктор Владимирович — Республика Яҳудий миллий-маданий маркази раиси, «Санавита» масъулияти чекланган жамияти ходими

Новицкий Зиновий Богданович — Республика «Славутич» Украин миллий-маданий маркази раисининг ўринбосари, Ўрмон хўжалиги ва манзарали боғдорчилик илмий ишлаб чиқариш маркази бўлим мудири

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Гайибов Аскар Раджабович — Сурхондарё вилояти Тожик миллий-маданий маркази раиси, Ўзбекистон ХДП Термиз шаҳар Кенгаши раиси

Давлетова Саида Салиевна — Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг, «Ахборот» дирекцияси журналист-мухбири

Ни Лариса Петровна — Наманган вилояти Корейс миллий-маданий маркази раиси, «Ника» хусусий фирмаси раҳбари

Хасанов Ильшад Хасанович — Тошкент шаҳар Бошқирд миллий-маданий маркази раиси, «Сувлойиҳа» очиқ ҳиссадорлик жамияти етакчи муҳандиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 19 январ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ишларининг боришини ўрганиш ва бу борадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш масалалари бўйича Ишчи гуруҳини ташкил этиш тўғрисида

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг бажарилишини чуқур таҳлил этиш ва баҳолаш, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилишга оид муҳим тамойил ва ёндашувлар бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда киритиш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ишларининг боришини ўрганиш ва бу борадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш масалалари бўйича Ишчи гуруҳи иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

2. Ишчи гуруҳи 1998-2006 йиллар мобайнида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш якунларини танқидий баҳолаш, ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида йўл қўйилган камчиликларни ва тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда аҳолининг соғлиғини сақлашни ташкил этиш борасида ҳал этилмаган масалаларни чуқур таҳлил қилиш асосида 2007 йилнинг 1 мартигача Вазирлар Маҳкамасига қуйидаги масалалар кўзда тутилган аниқ таклифлар киритсин:

а) аҳоли учун давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ҳажмини ва давлат ҳамда хусусий тиббиёт муассасалари кўрсатадиган пулли хизматлар улушининг узлуксиз ўсиб боришини таъминлайдиган, юқоридан қуйигача самарали бошқариладиган замонавий соғлиқни сақлаш ташкилий тузилмасини шакллантириш;

б) ўз соҳасида юқори малака, тажриба ва обрў-эътиборга эга шифокор-олимлар ва мутахассислар, соғлиқни сақлаш тизимининг айрим соҳалари бўйича юқори технологияли ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда:

Ўзбекистонда касалланиш динамикаси, турлари ва ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, илмий тадқиқотларни амалга ошириш;

тиббиёт амалиётига даволашнинг илғор услублари ва технологияларини жорий этиш, замонавий тиббий ташхис қўйиш ва даволаш ускуналаридан фойдаланиш асосида юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга муҳтож беморларни текшириш ва даволаш;

клиника ординатураси орқали шифокор ходимлар малакасини ошириш ва касб маҳоратини такомиллаштириш ишларини ўз ичига оладиган юқори технологияли ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказларни ташкил этиш ва ривожлантириш;

в) касалликларнинг олдини олиш ва қишлоқ аҳолисига сифатли биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш;

г) соғлиқни сақлаш тизимининг кам қувватли, ортиқча ва самарасиз муассасаларини, кейинчалик уларнинг негизида замонавий нодавлат даволаш муассасалари ташкил этиш шарти билан ижарага ёки хусусий мулк қилиб, шу жумладан, уларни нолга тенг қийматда бериш;

д) соғлиқни сақлаш тизимида пулли хизматлар ва хусусий тадбиркорликни устувор ривожлантириш ҳамда рағбатлантиришни таъминлайдиган қўшимча имтиёзлар яратиш;

е) аҳоли, айниқса болаларни юқумли касалликлар ва эпидемиялардан ишончли ҳимоя қилишни таъминлайдиган санитария-эпидемиология хизмати тизимини мустаҳкамлаш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш.

3. Вазирлар Маҳкамаси Ишчи гуруҳининг таклифлари асосида 2007 йилнинг 15 мартигача Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг тегишли лойиҳасини тайёрласин ва тақдим этсин.

4. Мазкур фармойиш ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари Р.Азимов ва Р.Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 22 январ

ВАТАН ШАРАФИНИ УЛУҒЛАЁТГАНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 декабрда қабул қилинган «Осиё ўйинлари ғолиблари ва совриндорларини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони ва ушбу ҳужжат ижросини таъминлашга қаратилган Фармойишига биноан Осиё ўйинлари чемпионлари 5000, кумуш медаль соҳиблари 3000 ва учинчи ўринни эгаллаган спортчилар 2000 АҚШ доллари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланди.

Тошкентда XV Осиё ўйинлари ғолиблари ва совриндорларига ушбу мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев топширди.

Мамлакатимизда спортни ривожлантиришга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор берилаётгани алоҳида таъкидланди. Халқимизни, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш мақсадида ҳар йили барча қулайликларга эга юзлаб спорт иншоотлари барпо этилиб, замонавий талабларга мос даражада жиҳозланилаётир.

XV Осиё ўйинларида Гўзал Хуббиева, Баҳодир Султонов, Элшод Расулов, Рустам Саидов, Вадим Меньков, София Каспулатова, Владимир Черненко, Руслан Наурзалиев, опа-сингил Севара ва Зарина Ғаниева, Дилшод Мансуров ҳамда Артур Таймазов шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Олимпиада ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатлари каби нуфузли мусобақаларда давлатимиз байроғини баланд кўтарган спортчиларимизнинг ютуқлари минглаб ёшларимиз учун ибрат бўлади.

— Ватанимиз мустақилликка эришгач, спортчиларимиз халқаро майдонларда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди, — деди XV Осиё ўйинлари чемпиони Севара Ғаниева. — Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун чекка қишлоқлардаги болалар учун ҳам замонавий спорт иншоотлари барпо этилиб, уларда спорт билан мунтазам шуғулланиш учун шароитлар яратилган. Биз, спортчилар давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган доимий ғамхўрликни ҳар қадамда ҳис қилиб турибмиз. Нуфузли мусобақаларда Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янграётгани кўрсатилаётган ана шу эътиборнинг шарофатидандир.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан бошқа спортчилар — дзюдочи Абдулла Тангриев, боксчи Рустам Саидов ва бошқалар давлатимиз раҳбари Ислом Каримовга мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган эътибори учун самимий миннатдорлик билдириб, бундай ғамхўрликка жавобан келгуси мусобақаларда ҳам давлатимиз байроғини сарбаланд этишларини алоҳида таъкидладилар.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири
Суратда: тадбирдан лавҳа Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат

Тиббиётни ислоҳ қилиш Давлат дастури асосида республикамизда кўплаб соғломлаштириш марказлари қурилиб, аҳолига намунали хизмат кўрсатаяпти. Янги йил арафасида Ғузор туманидаги ҚВПлар сони яна биттага кўпайди. Эндиликда туманда барча қулайликларга эга бўлган 30 та қишлоқ врачлик пунктлари аҳолига намунали хизмат кўрсатаяпти.

ЖОНҚАРАДА ЯНГИ ҚВП

«Ғузор» хўжалиги қўйчивонлари истиқомат қилаётган Жонқара қишлоғи аҳолиси учун 127 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами билан қишлоқ врачлик пункти қурилди.

— Осиё тараққиёт банки ҳомийлигида 52 миллион сўмлик даволаш асбоб-ускуналари олиб берилганлиги аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшиламоқда, — дейди бош врач ўринбосари Нормахмат Калонов. — 317 нафар врач, 1845 дан ортиқ ўрта тиббиёт ходимлари туман аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишаяпти.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «Шўртангазкимё» мажмуаси маъмурияти ёрдами билан туманда 40 ўринли замонавий туғруқ мажмуаси қурилиши бошланади. Аҳоли ўртасида касалликни олдини олиш бўйича ўтказилаётган суҳбатлар ва амалий ишлар натижаси ўлароқ, туманда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш яна ҳам яхшиланмоқда.

Шавкат СУЛТОНОВ

БОЛА КУЛГУСИДА ОЛАМ МУНАВВАР

Ижтимоий ҳимоя йилига бағишлаб Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ҳамкорликда тадбир уюштириб, болаларга ажойиб совғалар ҳадя этди.

Театрлардаги саҳна асарлари, цирк томошалари, Митрофанов номли спорт-соғломлаштириш мажмуидаги ва пойтахтнинг маданият масканларидаги тадбирлар учун 36 минг 965 дона чипта харид қилиниб, шундан 19 минг 771 донаси ҳомийлик ёрдами сифатида боқувчисини йўқотган, ночор, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга бепул берилди. Шунингдек, «Умр» фалаж-ногирон болаларга ёрдам бериш маркази Юнусобод, Сирғали, Шайхонтоҳур туманларидаги ногирон болаларни реабилитация қилиш интеграция клубларига, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли болалар руҳий касалликлари шифохонаси, Республика болалар ортопедия маркази, Ўзбекистон физиатрия ва пульмонология илмий-текшириш институти, Ўзбекистон болалар суяк сили санаторияси, Республика болалар полиомиелит касалхонаси, Республика онкология илмий маркази, Ўзбекистон травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти, шаҳар онкология диспансери, болалар сил касалликлари каби шифо масканларида даволанаётган болаларнинг ҳолидан хабар олинди.

— Республика болалар суяк сили санаторийсида 150 нафар киши мамлакатимизнинг турли вилоятлари, чекка қишлоқларидан келиб даволанишади. Хайрли тадбир ташкилотчиларининг эътиборидан уларнинг чеҳрасида шодлик кўриш мумкин, — дейди бош шифокор Зарифа Ҳоджимуҳамедова.

Ана шундай миннатдорчиликларни хатирчилик Шаҳзод Бахриддинов, деҳқонободлик Дилором Одинаева, сирдарёлик Шоҳида Расулова, сурхондарёлик Фахритдин Комилов сингари даволанувчилар ҳам изҳор этишди.

Шу муносабат билан болаларга 2500 дона совғалар топширилди. Яхши анъанага айланиб бораётган тадбирлар улар кўнглини кўтариши, қувонч бағишлаши ва соғайишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Улуғбек ПЎЛАТОВ

Тошкент вилоят ҳокимияти "Ишонч" газетасида чоп этилган "Мавсум сусткашликни хушламайди" сарлавҳали танқидий мақоласи юзасидан қуйидагиларни маълум қилади.

"МАВСУМ СУСТКАШЛИКНИ ХУШЛАМАЙДИ"

"Ишонч", 2006 йил 1 ноябр 175-сон

Жавоб

2006-2007 йилги иситиш мавсумига тайёргарлик ишлари тўлиқ ҳажмда бажарилди. Жумладан, Янгийўл "Иссиқлик манбаи" филиали тасарруфидаги мавжуд 8 та қозонхона ва 18,78 км. узунликдаги иссиқлик тармоқлари Оққўрғон, Чиноз ва Қуйи Чирчиқ туманларидаги 7 та қозонхона ҳамда иссиқлик тармоқлари мукаммал ва жорий таъмирдан чиқарилиб, мавсумга тайёрланди.

Кўрсатилган хизматлар бўйича тўловларни амалга ошириш Тошкент вилояти ҳокимининг 2006 йил 11 ноябрдаги "Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида тўлов тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги қарорига асосан вилоят тижорат банклари ва "Тошкент почтаси" ОАЖ томонидан коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари билан тузилган шартномаларга кўра амалга оширилмоқда.

2007 йил 1 январ ҳолатига аҳолининг вилоят "Иссиқлик манбаи"дан қарзлар миқдори 6,6 миллиард сўмни ташкил қилмоқда.

Ишлаб чиқариш бошқармаси ишчи-ходимларининг ойлик маошларини тўлаш муддатлари ҳақиқатан ҳам кечиктирилган эди, аммо ушбу масалалар бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрилиб, мавжуд бўлган барча тўловлар амалга оширилди.

Чирчиқ, Янгийўл, Бекобод, Олмалиқ ва Оҳангарон шаҳарларидаги "Иссиқлик манбаи" филиаллари тасарруфидаги мавжуд қозонхоналарда ва иссиқлик тармоқларида ҳам мукаммал ва жорий таъмирлаш ишлари тўлиқ бажарилди.

(Давоми 2-бетда)

Ташаббус

КАСАБА УЮШМАСИ ДЎКОНИ

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилиниши Республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида акс садо берди. Корхона ва ташкилотларда қисқа вақт ичида Ижтимоий ҳимоя йилига доир режа ва дастурлар тузилиб, уларни амалга ошириш бўйича ишлар қизғин олиб борилмоқда.

Фарғона давлат университети профессор-ўқитувчи ва ишчи-ходимлар касаба уюшма қўмитасида бу борада амалий ишлар аллақачон бошлаб юборилган. Йил бошланиши билан касаба уюшма қўмитаси раиси Тоҳир Йўлдошев университет раҳбари олдига бир неча талаб ва таклифлар билан чиқди.

Улар орасида кам таъминланган оилалардан чиққан талабаларга моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатиш, талаба ва ўқитувчиларга соғлиқларини тиклаши учун сиҳатгоҳларга йўлланмалар бериш ва университет ҳудудида арзонлаштирилган моллар сотиладиган дўкон қуриш режалари ҳам бор эди.

Касаба уюшмасининг таклифлари университет раҳбарияти томонидан қўллаб-қувватланди. Йил бошидаёқ ходимларга 200 литр истеъмол ёғи бепул тарқатилди. Университет томонидан барча ходимларга бир ойлик маоши миқдорида байрам пули берилди. Бир неча дорихоналар билан шартнома тузилиб, соғлиги ёмонлашган талаба ва ўқитувчиларни бепул дори-дармонлар билан таъминлаш мақсадида касаба уюшмаси фонди ташкил қилинди.

Шунингдек, ҳудуддаги бинолардан бирида дўкон учун жой ажратилди. Уни жиҳозлаш ишлари касаба уюшмаси томонидан амалга оширилмоқда.

— Университетимиз талабалари ва ишчи-ходимлари учун мўлжалланган арзон моллар дўконини тез кунларда ишга туширамиз, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Т. Йўлдошев. — Дўконда ҳомийлар томонидан ажратиладиган қишлоқ хўжалиги, гўшт ва сут маҳсулотлари билан арзонлаштирилган нархларда савдо қилинади.

Касаба уюшмаси томонидан Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ҳам кўп ишлар амалга оширилган эди. Бир қатор ўқитувчилар сиҳатгоҳларда саломатликларини тиклаб келишди. Ишчи ходимлар фарзандлари оромгоҳларда дам олдирилган.

Нафақадаги ходимлар ҳолидан хабар олиш ҳам касаба уюшмаси назаридан четда қолгани йўқ. Иккинчи жаҳон ва Афғон уруши қатнашчилари, Чернобил ҳалокати ногиронларига доимий ғамхўрлик кўрсатиб борилади. Талаба ва ўқитувчилар ўртасида бир қатор спорт мусобақалари ўтказиб, ғолиблар қимматбаҳо совринлар билан тақдирланмоқда.

Улуғбек ИБОДИНОВ,
"Ишонч" мухбири

ИККИ МИНГ КИШИ ИШЛИ БЎЛДИ

Жалолқудуқ туманида ўтказилган меҳнат ярмаркалари қандай самара берганлигини икки минг киши ишли бўлганлиги кўрсатиб турибди.

Шунингдек, ўтказилган тадбирларда бир юз йигирма нафар одам ҳуқуқий маслаҳат олиб, малака ошириш курсларида ўқиди.

Иш билан таъминлашда кўп болали, кам таъминланган 344 оилага чорвачиликни ва паррандачиликни йўлга қўйиш учун республика бандлик жамғармасининг 114 миллион сўм имтиёзли кредити берилганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Туман ижтимоий ҳимоя ва меҳнат бўлими ҳар уч ойда бир марта бўш иш ўринлари ярмаркасини ўтказишни мўлжаллаб турибди.

«Туркистон-пресс»

"МАВСУМ СУСТКАШЛИКНИ ХУШЛАМАЙДИ"

(Боши 1-бетда)

Лекин таъкидлаш керакки, иссиқлик таъминоти бўйича нарх юқорилиги сабабли, аҳоли томонидан марказлашган иссиқлик таъминотидан кечиш ҳолатлари кўпаймоқда. Бугунги кунда вилоят бўйича иссиқлик таъминоти учун нархларни пасайтириш ва кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини ошириш мақсадида ҳар бир уйга алоҳида қозонлар ўрнатиш кўзда тутилган. 2006 йилда Чирчиқ шаҳридаги "Ҳаракат-замон" корхонасидан 237 та қозон сотиб олиниб, 42 таси ўрнатилган. Бу ишлар давом эттирилмоқда.

Ҳозирги кунда иситиш тизимларининг бир маромда ишлаб туришини назорат қилиш мақсадида шаҳар "Иссиқлик манбаи" ИЧБ ва хусусий уй-жой мулкдорлар ширкати билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

З.НИЯЗОВ,
вилоят ҳокимининг
биринчи ўринбосари

Фермер - ернинг ҳақиқий эгаси

СОФ ФОЙДА

асосий қисми ижтимоий ҳимояга сарфланмоқда

Бундан олти йил аввал фермер хўжалиги ташкил этиб, унга «Соҳибкор» дея ном бердик.

Вақт ҳакам экан. Чўл қўйнида мўъжазгина боғ яратиш азалий орзуим эди. Аъзоларимизнинг ҳалол ва самарали меҳнатлари туфайли у ушалди. Боғ ҳосилга кирди.

Мирзачўл шароитида анор яхши битаркан. Очиқ зовурлар ёнида эса 6 минг туп терак экдик. У тупроқни шамол эрозиясидан сақлайди. Вояга етгани қурилишда асқотади, соясидан кўпчилик баҳраманд бўлади.

Асосий экин — пахта ва ғалладан мўмай даромад олаяпмиз. Ўтган йили соф даромад 10 миллион сўмдан ортди. Аъзоларимизнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи тобора яхшиланиб, даромаднинг бир қисмини меҳр-мурувват ва ҳомийлик учун сарфлаяпмиз.

Кам таъминланган олти оила «Соҳибкор» мурувватидан баҳраманд бўлаётир. 12-мактабга эса спорт жиҳозлари олиб бердик. Шу билан бирга, тумандаги «Битирувчилар боғи»га 1000 туп турли хил мевали ва манзарали кўчатлар етказиб берилди.

Келгуси режаларимиз улкан. Аввало туман Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кенгаши аъзоси сифатида бу нуфузли жамоат ташкилоти обрўси ва мавқеини кўтаришга муносиб ҳисса қўшиш. Олинган даромадни расамади билан сарфлаб, касаба уюшма аъзоларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш муҳим вазифаларимиздан. Далада етиштирилган мевалардан ҳамқишлоқларни қишин-ёзин баҳраманд этиш мақсадида кичик корхона бунёд этмоқчимиз.

Абдумалик ХОЛБОЕВ,
Сирдарё вилояти Сардоба туманидаги «Соҳибкор» фермер хўжалиги раҳбари,
«Шуҳрат» медали соҳиби

Ернинг ҳақиқий эгалари ихтиёрига тақсимлаб берилиши, фермерлик ҳаракатининг оммавий тус олаётгани қишлоқ хўжалиги учун кутилганидан ҳам зиёда натижалар бермоқда. Белгиланган йиллик режалар анча ошиғи билан бажарилиб, соф даромад кўлами ортаяпти. Айниқса, қадоқ қўлли деҳқонлар косаси оқариб, ижтимоий турмуш тарзи тобора яхшиланиб бормоқда.

ЕРНИ АЛДАБ БЎЛМАЙДИ

Аслида-ку ёшлигидан дала бағрида ўсган деҳқонлар ернинг «тилини» яхши тушунишади. Шундай бўлса-да, ўтган мавсум сабоқларидан келиб чиққан ҳолда баъзи мулоҳазаларни рўйи-рост айтиш фойдадан холи бўлмайди. Йил давомида 11 минг 780 гектарлик экин майдонларида юксак агротехника қоидаларига риоя қилган ҳолда ҳосил ундириб, туман деҳқонлари кам бўлишгани йўқ. Бироқ, эзгулик йўлида ишлар олиб борилаётганига қарамасдан, баъзида бир-бирини ёки бизга ризқ улашаётган заминни алдашга уринаётганларни кўриб, ҳайратга тушасан киши.

Ана шундай ҳолат экиндан бўшаган майдонларни шудгорлаш жараёнида юз бермоқда. Туман прокуратураси томонидан ўтказилган назорат тадбирлари чоғида 14 та ҳолатда жами 24,5 гектар, яъни 381 минг сўмлик иш бажарилган майдон сифатсиз ҳайдалгани маълум бўлди. Масалан, 2006 йил 15 ноябрда ўтказилган мониторингда аниқланган ҳолатни олайлик. «Зирабулоқ МТП» ОАЖга қарашли бўлган «Магнум-8940» русумли ҳайдов трактори оператори Ўктам Эргашев томонидан тумандаги «Сарвар» фермер хўжалигининг 6 гектар майдони атиги 25-30 сантиметр чуқурликда шудгорланган. Бундай юзакичиликлар «Нарпай Сурайёси», «Сапо бобо», «Омад сиҳат-саломатлик», «Нарпай Чинортепа», «Жонузоқ», «Билолжон Жўрақулов», «Сарвар» каби кўпгина фермер хўжаликларига қарашли шудгорланган далаларда ҳам қайд этилган эди. Тегишли машина-трактор парклари механизатор ва операторлари томонидан сифатсиз шудгорланган 24,5 гектар майдонлар қайтадан шудгорланиб, фермер хўжаликларга етказилган барча зарарлар қопланди.

Якун топган йил давомида туман прокуратурасига тадбиркорлар томонидан 12 та ариза тушган. Шундан 1 таси тегишлилиги бўйича юборилган бўлса, 11 таси прокуратура томонидан ижобий ҳал этилди. Тадбиркорларнинг ҳуқуқий билими ва маданиятини юксалтириш борасида улар билан 21 маротаба учрашув ва семинар ўтказилди. Бу борада маҳаллий телевидение ва вақтли матбуот нашрларида тез-тез чиқишлар қилинмоқда. Бевосита, туман прокуратураси ёрдамида 0,38 гектар ер, 12,1 тонна минерал ўғит, 7,8 тонна нефт маҳсулотлари фермер хўжаликларига олиб берилди.

Б.УСМОНОВ,
Нарпай туман прокурори

Мақтанганнинг уйига бор

ҚОҒОЗДАН — ИМОРАТ, ВАЪДАДАН ИШ БИТМАЙДИ

Избоскан тумани ҳокимлигининг мажлислар залидан чиқиб келаётган кишиларнинг чеҳраси очиқ эди. Айниқса, галдаги вазифалар биргаликда режалаштирилганида уларнинг аксарияти енгил тин олди. Чунки белгиланган режалар орасида ижтимоий масалаларни кенг ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилганди-да!

— Хайрият, — дейишди одамлар, — ҳадеб қишлоқ хўжалигини рўкач қилавермасдан шу соҳага ҳам маблағ ажратса бўларкан-ку. Биргина аҳолини табиий газ билан таъминлаш бўйича бира-тўла 11 километрга 2006 йил бошиданоқ ишлар олиб борилишига маблағ ажратиладиган бўлди-я!

«Андижон», «Мустақилликнинг 7 йиллиги», «Избоскан», «Янги қишлоқ» ва Й.Охунбобоев номли ширкат (собиқ) хўжаликларининг раҳбарлари ўз тасарруфларидаги ўнлаб қишлоқлар аҳолиси бундан кейин табиий газ билан таъминланажагини, қишнинг ғамини емаса ҳам бўлишини хабар қилиб қўйишди. Бироқ...

Афсус, собиқ раислар ҳам, ана шу ҳудудларда яшовчилар ҳам чучварани хом санашган экан. Негаки, орадан роппароса бир йилдан кўп вақт ўтган бўлса-да, ўша жарилмади.

Туман газ таъминоти бўлими бош муҳандиси Абдуқаҳҳор Ўлмасовнинг таъкидлашича, мазкур юмушларнинг амалга оширилмаганлигига асосий сабаб зарур маблағ ажратиб берилмаганлигидадир.

— Тўғри, марказий трассаларда баъзи ишлар олиб борилди, — дея эътироф этади у. — Аммо ўша ҳудуддаги ўнлаб қишлоқларда яшовчилар эҳтиёжини қондиришнинг имкони бўлмади.

Мазкур туман вилоятдаги қишлоқ хўжалиги соҳасига кенг ихтисослашган ҳудудлардан бири. Ислоҳотлар қўяётган талабларга эътибор кучайтирилгани сабабли ҳар мавсумда юқори натижаларга эришилади. Ҳисоботларда сарф-харажатлардан ташқари миллионлаб соф даромад кўрилаётгани ҳам сир эмас. Қолаверса, ўнлаб ташкилотлар, ишлаб чиқариш корхоналари ва якка тартибдаги субъектлар йиғилишда таъкидланган 11 километрли масофанинг бирор метрида режада кўзда тутилган ишлар бажарилмади.

Туман газ таъминоти бўлими бош муҳандиси Абдуқаҳҳор Ўлмасовнинг таъкидлашича, мазкур юмушларнинг амалга оширилмаганлигига асосий сабаб зарур маблағ ажратиб берилмаганлигидадир.

— Тўғри, марказий трассаларда баъзи ишлар олиб борилди, — дея эътироф этади у. — Аммо ўша ҳудуддаги ўнлаб қишлоқларда яшовчилар эҳтиёжини қондиришнинг имкони бўлмади.

Мазкур туман вилоятдаги қишлоқ хўжалиги соҳасига кенг ихтисослашган ҳудудлардан бири. Ислоҳотлар қўяётган талабларга эътибор кучайтирилгани сабабли ҳар мавсумда юқори натижаларга эришилади. Ҳисоботларда сарф-харажатлардан ташқари миллионлаб соф даромад кўрилаётгани ҳам сир эмас. Қолаверса, ўнлаб ташкилотлар, ишлаб чиқариш корхоналари ва якка тартибдаги субъектлар қараб туришгани йўқ. Туман иқтисодиётини ривожлантиришда озми-кўпми уларнинг ҳам ўз улуши бор.

Шундай бўлса-да, аҳолини газ ва ичимлик сув ҳамда электр энергияси билан таъминлаш масаласи ўлда-жўлда экани таажжубланарли. Асосий соҳа — ижтимоий масалаларни ривожлантиришга эътибор йилдан-йилга сусайиб борганлиги боис, 185 минг нафардан зиёд кишилар яшайдиган ҳудуднинг атиги 18 минг хонадони газлаштирилган, холос. Бу туман миқёсида бор-йўғи 49 фоизни ташкил этади, дегани.

Нафсиламбирини айтганда, табиий газ заҳиралари юртимизда ҳисоб-китоблилиги учун ҳам ҳукуматимиз уни тежаб фойдаланишга, ортиқча сарфларга йўл қўймасликка алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу боисдан бундан бир неча йил аввал Вазирлар Маҳкамасининг хонадонларни газ ҳисоблагичлар билан таъминлашга қаратилган қарори чиққанди.

Шу кунгача ҳудуд қишлоқларидаги хонадонларнинг атиги 70 фоизи газ ҳисоблагичлари билан таъминланган. Зарбдор, «Бирлашган», Й.Охунбобоев, Жомий, Амир Темур номли, «Мойгир», Янгизамон, Бўстон, Луғумбек ва Дўстлик каби бир қатор ҳудуд хонадонларида ҳанузгача ушбу асбоб ўрнатилмаган. Мутахассисларнинг айтишича, бунинг сабабларидан бири — қишда ана шу жойларга умуман газ етиб келмас экан. Хўш, бунга ким айбдор, деган ҳақли савол туғилади.

Таҳлиллар эса мутлақо бошқача: соҳа мутасаддилари қишнинг қирчиллама кунлари ва меъёрни аниқ ҳисоблаб чиқмагани боис, туманга бир кунда эҳтиёж учун ўртача 380 минг куб маҳсулот олиниши лозим бўлган бир пайтда, у 70 — 80 минг куб кам етказиб берилаяпти. Бу газ ўрнида электр энергиясини ишлатишга ва бу соҳада ҳам белгиланган режаларнинг барбод қилинишига йўл очмоқда.

Яна шу масалага дахлдор мисолларга эътибор қаратсак: электр энергиясидан фойдаланувчи истеъмолчилар учун ҳар куни белгиланган лимит 300 минг киловаттни ташкил этади. Бироқ газ ўрнида уни ортиқча сарфлаш ва жойларда ундан ноқонуний йўллар билан фойдаланиш ҳисобига суткасига 500 минг киловатт энергия ҳам етмаяпти. Натижада ҳар куни 3 — 4 соатлаб узилишларга йўл қўйиляпти. Ҳозирги кунда ортиқча сарф-харажат кўпайиб кетганлиги учун тармоқда жами 2 миллиард сўмдан ортиқ, шундан 80 миллион сўм муддати ўтган қарздорлик юзага келиб турибди.

Қишлоқ инфратузилмасини шакллантириш ва бу жойларда истиқомат қилувчиларга етарлича шарт-шароитлар яратиб бериш масаласи ҳамиша ҳукуматимизнинг диққат-эътиборида. Бу борада Тошкент ва Жиззах вилоятларида айниқса ибрат олгулик ишлар жуда кўп. Шундай экан, ҳақли савол: Избосканда ижтимоий масалалар, шу жумладан, таҳлил этилган тармоқларнинг нуқсонларини ким бартараф қилади? Мазкур соҳалардаги мутахассислар истеъмолчиларнинг эътирозларидан чарчашмадими? Бунга вилоятдаги масъул мутасаддилар нима дейишаркин?

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Ҳуқуқимиз тарихидан

ЎЛИМ ЖАЗОСИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида босқичма-босқич олиб борилаётган ислоҳотлар ўзининг ижобий самарасини бераётганлиги ҳеч кимга сир эмас. 2005 йил 1 августда Республика Президенти томонидан эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармон бу борадаги ислоҳотлар йўлидаги муҳим бир босқичдир.

Фармонда ўлим жазосининг бекор қилиниши зарурлигини аҳоли орасида кенг тушунтириш лозимлиги таъкидлангани бежиз эмас. "Ижтимоий фикр" республика жамоатчилик марказининг социологик тадқиқотларига кўра, сўровга жавоб берганларнинг аксарияти ўлим жазосини бекор қилишга қарши эканликларини билдирганлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, азал-азалдан жиноят ва жазо, жиноятчиликка қарши самарали кураш ва жиноятчиликнинг олдини олиш масаласи жамиятдаги энг мураккаб муаммолардан бўлиб келган.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, қадимги грек файласуфи Диодот халқ мажлисида нутқ сўзлаб, ўлим ўта шафқатсиз жазо эканлиги, уни амалда қўллаш жиноятчиликнинг камайишига олиб келмаслиги ва самарасиз жазо тури эканлигини ўша давр амалиётидан аниқ мисоллар билан исботлаб берган.

Миллий қонунчилигимизга назар ташласак, жазолаш ислом жиноят ҳуқуқининг энг муҳим хусусиятларидан бири саналганига гувоҳ бўламиз. Ислом фиқҳшунослигидан бехабар кишилар ўтмишда ўлим каби оғир жазо қўлланилгани боис жиноятчилик кам бўлган, деган хулосага боришади.

Ислом фиқҳи барча мусулмонларнинг ҳуқуқ ва бурчларини ифодалаб, шахсий ва жамият ҳаётидаги низомни қарор топтирган. Шариат қонунларига қисқача шарҳ берган "Мухтасар" китобида келтирилишича "жиноят" сўзи луғатда жиноят ва гуноҳ маъносини англатса, шариатда одамнинг жонига ё аъзоларига зарар келтириш маъноси билдирган. Ўша даврда одам ўлдиришни беш турга бўлишган ва ҳар қайси учун алоҳида жазо тури қатъий белгиланган.

Биринчиси билиб ўлдириш, яъни амалдаги жиноят қонунчилиги бўйича қасддан ўлдириш, бунда муомалага лаёқатли киши иккинчи бир кишининг аъзоларини титиб юборадиган нарса (олов, темир, қурол) билан ўлдириши энг оғир гуноҳ ҳисобланган. Унинг гуноҳини марҳумнинг яқинлари кечирса ҳам кечилмаган, тавба ва истиғфор қилса ҳам қасос вожиб бўлиб, у ўлдирилиши лозим бўлган. Лекин марҳумнинг энг яқин қариндоши авф қилган ҳолатда ёки бир миқдор мол эвазига сулҳга келишилганда, қасосдан воз кечилган, яъни у ўлдирилмаган. Шундай ҳолатда гуноҳкор инсон ҳаёти сақлаб қолинган.

Иккинчиси билиб-билмай ўлдириш, яъни амалдаги қонунчилигимизга биноан эгри қасдга бироз ўхшаб кетади. Бунда муомалага лаёқатли киши иккинчи бир кишини ўлдириш нияти билан эмас, балки оғритиш ва қўрқитиш мақсадида таёқ ёки қамчи билан уриб ўлдириб қўйса, қасос қилинмаган. Балки каффорат ва оғир дия (хун) тўлаши лозим бўлган. Оғир хун юз туядир. Туядан бошқа нарса билан хун қилинганда, у оғир ҳисобланмаган. Тўрт турли ёшдаги туялардан 25 тадан тўрт улуш қилиб белгиланган, яъни бир ёшга тўлган урғочи туя, икки, уч, тўрт ёшли она туядан 25 тадан бўлиши лозим бўлган. Оғирлиги туяларнинг сонида бўлмаган. Балки бу ёшдаги туяларни топиш амримаҳол бўлган. Каффоратнинг маъноси бир мўмин қулни озод қилишдир. Агар бу чорадан ожиз бўлса, икки ой узлуксиз рўза тутиш буюрилган.

Учинчиси билмай ўлдириш. (Эҳтиётсизликнинг бепарволик шакли). Бунда киши бировни ўлдиришга қасд қилмайди, балки эҳтиётсизлиги оқибатида жиноят келиб чиқади. Масалан, нишонга ёки ҳайвонга қараб отилган ўқ одамга тегса, билмай ўлдириш ҳисобланади.

Ўлдиришнинг тўртинчи тури янглиш ўлдирганга ҳисоб қилинадиган ўлдиришки, бунда ухлаб ётган кишининг устига иккинчи бир киши йиқилиб, ўлдириб қўйишига ўхшашдир. Ҳар иккала ҳолатда ҳам каффорат тўлаши ҳамда оқилага хун вожиб бўлган.

Оқила, дегани ўлдирувчи учун ўлдирилган кишининг эгасига дийат тўловчи кимса, масалан маҳкамада ишлаб юрган киши жиноят содир қилиб дийат тўлаши лозим бўлса, барча маҳкамада ишловчи кишиларнинг ойликларидан дийат олинган. 3 йил давомида дийат тўлиқ ундириб олинган. Агар жиноятчи давлат ишида бўлмаса, унинг яқини (қариндоши, дўсти) оқиласи ҳисобланган. Жиноят қилувчининг ҳеч бир тарафдан оқиласи бўлмаса, дийат давлат хазинасидан берилган. Агар хазинада мол бўлмаса, дийатни жиноятчининг ўзи тўлаши лозим бўлган.

Дийат — ўлдирилган кишининг қолганларига, яъни қариндошларига ўлдирган томоннинг жон баробарига тўлайдиган хун ҳақидир. Хун ҳақи минг олтин танга (бир мисқолдан ясалган) ёки кумушдан минг дирҳам (ўн дирҳам етти мисқол), ёки туядан 100 бош берилган.

Ўлдиришнинг бешинчи тури сабаб билан ўлдириш, деб белгиланган. Масалан, ўзининг мулки бўлмаган ерда қудуқ қазиса, шу қудуққа биров тушиб ўлса, ўлдирувчи хун тўлаши лозим бўлган, бошқа жазо бўлмаган.

Аввалги тўрт турли ўлдиришда жиноятчи марҳумдан мерос олиши мумкин бўлса, у меросдан маҳрум бўлган.

Ота бировни ўлдирган ҳолатда қасос талаб қилувчи ўзининг ўғли бўлса, отанинг ҳурмати учун қасос соқит бўлган. Масалан, ота ўғлининг боласини ёки канизагини ўлдирса.

Шаҳарда, қишлоқда, даштда кундузи ёки кечаси қиличини қинидан чиқариб ҳужум қилган муомалага лаёқатли кишини ўлдиргани учун ҳеч қандай жавобгарлик белгиланмаган. Яъни амалдаги қонунчилик бўйича зарурий мудофаа чегарасида ҳаракат қилган бўлса, жиноят, деб топилмаган. Шунингдек, даштда кундуз ёки кечаси бўлсин таёқ ёки тош билан ўқталувчини, кечаси шаҳарда таёқ ёки кесак билан ўқталувчини ўлдирган учун ҳам жавобгарлик белгиланмаган. Аммо кундузи шаҳар ёки қишлоқда таёқ ёки кесак билан ўқталувчини ўлдиргани учун қасос лозим бўлган. Чунки кундузи ёрдамга биров етиб келиши мумкин. Таёқ ўқталгани учун ўлдириш тузук саналмаган.

Тан жароҳати етказиш жиноятида эр билан хотин орасида қасос бўлмаган. Масалан, эр хотинини қўлини синдириб қўйса, қасос қилинмаган, балки арш тўланган. Арш — аъзо хуни ҳисобланган.

Қисқача қилиб айтадиган бўлсак, ўлим жазосини бекор қилишдек тарихий тадбирни кенг кўламли тушунтириш ишларисиз амалга ошириб бўлмайди. Ўлим жазосини бекор қилиш борасидаги миллий, халқаро ва хорижий тажрибани ҳам кенг тарғиб қилиш мақсадга мувофиқдир.

Г.ҚУЛИМОВА,
жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар судининг раиси

Имтиёз

БИР ОЙЛИК ХИЗМАТ ИККИ ОЙЛИК МЕҲНАТ

Фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташ самарадорлигини ошириш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга ҳам катта эътибор берилмоқда қолмаяпти. Сўнгги йилларда муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаган ёшларни олий ўқув юртларига киришлари учун имтиёз ва шароитлар яратилди.

Ҳарбий хизматни ўтаб, қисм қўмондонлигининг махсус тавсияномасини қўлга киритганларга олий ўқув юртларига киришда тест синовларида тўпланган балларига энг юқори баллнинг 25 фоизига тенг қўшимча балл қўшилиши ва тест синовларида зарур балл тўплай олмаган абитуриентлар эса айрим таълим йўналишлари бўйича тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиниши жорий этилганининг ўзиёқ фикримиз далилидир. Ўтган йилда республикамиз олий ўқув юртларига муддатли ҳарбий хизматни ўтаб келган ёшлардан 4982 нафари ана шу тарзда қабул қилинди. Шулардан тўлов-контракт асосида ўқиётган 2640 нафарига шартнома пулининг 35 фоизи миқдорида ёрдам кўрсатилмоқда. Бу республикамиз олий ўқув юртларига ўқишга кирган абитуриентларнинг деярли ўн фоизи демакдир.

Яна шуни айтиш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йилнинг 3 октябрида эълон қилинган қарорига кўра, муддатли ҳарбий хизматчиларнинг бир ойлик хизмати икки ойлик меҳнат стажига тенглаштирилди. Ёки "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасида чақирилувчининг ҳарбий хизматга тайёргарлик кўришдаги кафолатлари кўрсатиб ўтилган бўлиб, унда жумладан, шундай дейилади: "Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг ўқув муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ҳарбий-техника мутахассисликлари бўйича тайёргарликдан ўтаётган чақирилувчининг иш жойи ва эгаллаган лавозими, шунингдек, ўртача иш ҳақи, шу жумладан, ўқиш (йиғинлар) ўтказиладиган жойга бориш ва у ердан қайтиб келиш даврида сақланиб қолади.



Чақирилувчиларга уларнинг таълим олиш (йиғинлар) даврида уй-жой ижарасига кетган харажатлари қопланиши, ўқиш ўтказиладиган жойга бориш ва у ердан қайтиб келиш (агар бу бошқа аҳоли пунктига бориш билан боғлиқ бўлса) йўлкираси ҳамда ўртача иш ҳақи тўланиши уларнинг асосий иш жойида амалга оширилади. Ишламайдиган чақирилувчиларнинг ана шундай харажатлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридаги нафақа тегишли ҳокимликлар томонидан қопланади (тўланади).

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 3 октябрдаги қарорига кўра ҳатто муддатли ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига ҳам қатор қулайликлар яратилган. Масалан, фарзандлари муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганда оила аъзолари ер солиғидан озод этилади. Шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг ойлик пул маошлари икки баробарга, хизматдан резервга бўшатилганда бериладиган пул миқдори эса энг кам иш ҳақининг саккиз баробаригача оширилди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда ҳарбийларга бўлган ҳурмат-эътиборнинг чеки йўқ. Ўз ўрнида уларнинг юртимизга, халқимизга, она заминга бўлган меҳри ҳам шу даражада беқиёски, ўғлонлар қалбидаги бундай садоқатни таърифлашга тил ожиз.

У.ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва Хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси

К.ТЎРАЕВ олган суратлар

Бандлик дастури — амалда

ҲАММА НАРСА ИНСОН УЧУН

Ижтимоий ҳимоя Президентимиз олға сурган беш тамойилнинг биридир. Конституциямизда ҳам инсонни қадрлаш, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоялаш асосий мезон қилиб олинган. Фориш туманида бу борада кўплаб хайрли ишлар қилинмоқда. Туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи ўринбосари Учқун Камолов соҳада олиб борилаётган ишлар хусусида қуйидагиларни сўзлаб берди.

- Жамоамизда 12 нафар ходим ишлайди. Уларнинг 8 нафари қишлоқ фуқаролар йиғинлари қошида ҳудудий вакилимиз сифатида фаолият кўрсатишади. Бандлик дастури асосида иш олиб бораяпмиз. Шу вақтгача ишга жойлаштириш учун 994 та ариза тушди. Шундан 650 нафари ишга жойлаштирилди, 32 нафари касб бўйича ўқитилди, 40 нафар фуқаро эса жамоат ишига жалб қилинди. 135 нафар фуқаро ижтимоий ҳимояга олиниб ишсизлик нафақаси билан таъминланди. 216 нафар фуқаро тумандаги корхона ва ташкилотларга ишга жойлаштирилди.

Дастур бўйича 1218 та янги иш ўринлари яратилиши керак эди. Амалда 1265 та иш ўринлари яратилди.

Президентимиз қарори асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан «2006-2010 йилларда шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларда чорва молларини, биринчи навбатда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор айни вақтида қабул қилинган бўлиб, у аҳоли қўлидаги, жамоалардаги чорвачиликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Қарор асосида кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож 234 оилага бепул сигир олиб берилди. Аукцион бозори ташкил қилинди. 198 нафар фуқарога 140 миллион сўм микро кредит берилди. Ушбу кредитнинг 27 миллион 800 минг сўми иш билан таъминлаш мақсадларига йўналтирилди. Натижада 3823 киши қорамол боқиш имкониятига эга бўлди, уларга меҳнат дафтарчалари очилди.

Икки ёшгача болалар парвариши билан банд бўлган 1867 нафар онага 19 миллион 269 минг сўм, кам таъминланган 91 оилага моддий ёрдам сифатида 1 миллион 918 минг сўм, вояга етмаган (16 ёшгача) болалари бўлган 3580 оилага 32 миллион 825 минг сўм миқдорида нафақа пули тарқатилди.

Ижтимоий ҳимоя йилида аҳолини ҳар томонлама ҳимоялаш, янги иш ўринлари билан таъминлаш бўйича режалар тузилди. Мавжуд корхоналарни қайта қуриш ва кенгайтириш, ишлаб чиқариш қувватини ошириш, кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил этиш, ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорликни ривожлантириш, янги фермер хўжаликлари ва уй меҳнатини ташкил этиш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича кўплаб ишчи ўринлари ташкил этилади.

Алибой ЭРГАШЕВ, журналист

Тажриба

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА МАТЕМАТИКА ЎҚИТИШГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР

Маълумки, бошланғич синфларда математикани ўқитишдан асосий мақсад ўқувчиларда зарур кўникмаларни ҳосил қилиш ва ушбу фанни юқори савияда ўрганиши учун замин яратишдир.

Қуйида математикани ўқитиш методикасининг баъзи бир масалалари ҳақида фикр юритамиз.

Дастлабки кунлардан бошлаб ўқувчиларда санаш малакасини мустаҳкамлаш ва сон тушунчаларини таркиб топтириш учун уларга нарса ва буюмларни фақат битталаб эмас, балки иккиталаб ва учталаб санашни ҳам ўргатиш, таққослаб кўриш асосида мукаммал тушунчаларни бериш зарур.

Ҳаётий масалалардан фойдаланиб, ўқувчиларнинг математик билим ва кўникмаларини ўстириш мақсадга мувофиқдир. Бошланғич синф ўқувчилари қўшиш ва айириш, катта ва кичик белгилари, узун ва қисқа тушунчалари, оғирлик ва суюқлик ўлчовлари ва ниҳоят шакллар тушунчалари билан танишадилар.

Ўқувчилар «бурчак» сўзи билан олдиндан, боғчада ва уйда уларга қилинадиган муомала ва муносабатлар орқали танишганлар. Аммо, уларга қани бурчакни кўрсатинг, дейилса тўғридан тўғри кўрсата олмасликлари мумкин. Агар синф доскасининг бурчагини кўрсатинг ва сананг, дейилса, бунга тўғри жавоб беришлари мумкин. Демак, дарс кундалик турмушда учраб турадиган буюм ва нарсаларга боғлаб ташкил этилса, унинг самараси яхшироқ бўлади.

Ўқитувчи доскада ҳар хил номерли бурчаклар тасвири орқали ўқувчиларга тўғри бурчак ҳақида гапириб, қуйидаги саволлар билан мурожаат қилиши мумкин.

«Кўргазмада чизилган қайси номерли бурчак тўғри бурчак ва қайсилари тўғри бурчак эмас? Синф хонасидаги дераза бурчаклар сони қанча ва улар қандай номланади? Ҳар бир деворда нечта тўғри бурчак бор?» Худди шунингдек, ўқувчиларга бурчакларга бир нечта мисол топиб келиш ҳамда тўғри бурчак чизиб келишдан иборат уй вазифаси берилади.

Узунлик ўлчовларини ўрганишда синф доскасининг бўйи ва эни, ўқувчи партасининг бўйи ва эни ва шу кабилардан фойдаланиш, тўғри тўртбурчак ва квадрат тушунчаларини ўрганишда синф хоналари, турли ўйинчоқлардан фойдаланиш мумкин. Геометрик шаклларни ўрганишда уларни ясашга доир машқлар муҳим ўрин тутади. Ўқувчилар чизғич ёрдамида тўғричизиқ, учбурчак ва бошқа геометрик шаклларни ҳосил қилишда қуйидаги машқларни ечиши мақсадга мувофиқдир. Дафтар чизиқларининг кесишган жойида нуқта белгиланг. Бу нуқтадан 3 та катак санаб, яна нуқта белгиланг. Иккинчи нуқтадан 5 катак санаб, учинчи нуқтани белгиланг. Нуқталарни шундай бирлаштирингки, натижада учбурчак ҳосил бўлсин.

Килограмм тушунчасини ўрганишда, сумка ичидаги китоблар билан 5 кг келади. Сумканинг оғирлиги 1 кг. Китоблар неча килограмм ва ҳоказо каби содда масалалардан фойдаланиш мумкин.

Математика зинапоясимон устма-уст қуриладиган фан. Юқорига чиқиш учун албатта қуйи зиналарни босиб ўтиш керак. Унда қуйи синф материалларини ўрганмасдан туриб, кейинги мавзуларни ўзлаштириб бўлмайди. Ўқитувчи ўқувчилар билимидаги камчиликни сезиши билан дарҳол уни тузатишга киришиши лозим. Айтайлик, ўқувчилар амаллар тартибига кўп эътибор бермасдан қавс-ларни ташлаб юборади. Бунда ўқитувчи уларни нима учун кераклигини, қавсли ва қавссиз математик ифодалар қийматларини ўқувчига тушунтириши лозим. Умуман ўқитувчи ўқитиш методикасига ижодий ёндашиб, камчиликларни ўз вақтида тузатиб бориши зарур.

Бошланғич синф ўқувчиларида кузатувчанлик қобилияти кучли ривожланган бўлади. Уларнинг бу қобилиятидан математик кузатувчанлик ва синчковликни ўстиришда фойдаланиш мумкин.

Марғуба МИРЖАЛОЛОВА,
Наманган шаҳар 5-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

МАСЛАҲАТХОНА

ДОИМИЙ БОШҚА ИШГА ЎТКАЗИШ

Бошқа ишга ўтказиш — меҳнат шартномаси шартларининг муҳим ўзгариши эканлигини англашимиз зарур. Модданинг номидан ҳам кўриниб турибдики, бу меҳнат шартномасида келишилмаган бошқа ишни бажариш, яъни меҳнат шартномаси мазмунини ўзгартиришдан иборат. Бошқа ишга ўтказиш ходимнинг розилиги билан амалга оширилиши Меҳнат кодексида белгилаб қўйилган.

Ходимнинг розилиги талаб қилинадиган ихтисоси, малакаси, иш ва лавозимига мос келмайдиган бошқа ишга ўтказилганда иш ҳақи миқдори, имтиёзлар, меҳнат шартномасида келишилган муҳим шартлар ўзгаради.

Бошқа ишга ўтказиш муддатига қараб доимий ва вақтинчалик бўлади. Вақтинчалик— сабабига кўра ишлаб чиқариш зарурати, бекор туриб қолиш, соғлиғи ҳолати бўйича каби турларга бўлинади. Вақтинчалик бошқа ишга ўтказилганда ходимнинг асосий иш жойи сақланиб қолади, у фақат вақтинча бошқа ишни бажаради.

Бошқа ишга ўтказишни меҳнат шартномасида шартлашиб олинмаган ўша корхона, муассаса, ташкилотда иш жойини ўзгартиришдан фарқлаш лозим, бунда ходим билан келишиш талаб қилинмайди.

Шуни таъкидлаш керакки, бошқа ишга ўтказиш бир корхона доирасида амалга оширилади. Шу муносабат билан Меҳнат кодексида ходимнинг розилиги билан бошқа корхонага ишга ўтказишни меҳнат шартномасини бекор қилишнинг асоси сифатида мустаҳкамланмаган. Чунки бошқа корхонага ўтишда меҳнат муносабати тарафлари ўзгаради. Иш берувчи ходим билан янги меҳнат шартномаси тузади, бундай ўтказиш аввалги меҳнат шартномасини ўзгартириш деб қаралмайди.

Шундай қилиб, бошқа ишга ўтказишни Меҳнат кодекси ходимнинг фақат меҳнат функциясини, яъни бир корхона чегарасида ихтисоси, малакаси ёхуд вазифасининг ўзгариши англанади.

Меҳнат кодексининг 178-моддасига мувофиқ ҳар бир ходим ўзига юклатиладиган меҳнат вазифалари билан олдиндан таништирилиши лозим. Ходимни бошқа ишга ўтказилишининг қонунийлигига баҳо беришда унинг янги вазифалар билан аввалдан таништанлиги ва розилигини аниқлаш зарур. Агар ходим тегишли тарзда янги мажбуриятлари билан таништирилган ва вазифаларни ихтиёрий бажаришга киришган бўлса, сўнг бошқа ишга ўтишни рад этиши қонуний эмас. Бунинг устига у томонидан хизмат вазифаларини бузиш деб қаралади.

Амалдаги Меҳнат кодексининг 92-моддасида бошқа доимий ишга ўтказиш қоидалари мустаҳкамланган.

"Бошқа доимий ишга ўтказишга (ходимнинг меҳнат вазифаларини ўзгартиришга) — унга бошқа мутахассислик, малака, лавозимга оид ишни топширишга фақат унинг розилиги билан йўл қўйилиши мумкин.

Агар объектив сабабларга кўра (100-модда иккинчи қисмининг 1, 2 ва 6- бандлари ва 106-модданинг 2-банди) меҳнат шартномасида белгилаб қўйилган меҳнат вазифаси доирасида ишни давом эттириши мумкин бўлмаса, иш берувчи ходимга мутахассислиги ва малакасига мувофиқ келадиган ишни (ходим бажараётган ишига ёки эгаллаб турган лавозимига номувофиқ бўлса, мутахассиси бўйича бир мунча кам малака талаб этиладиган бошқа ишни), бундай иш бўлмаган тақдирда эса, корхонада мавжуд бўлган бошқа ишни таклиф этиши шарт. Ходим бошқа ишга ўтишдан бош тортган ёки корхонада мувофиқ келадиган иш бўлмаган тақдирда, меҳнат шартномаси умумий асосларда бекор қилиниши мумкин".

Н. ТИЛЛАХЎЖАЕВА,
ЎзКУФК Юридик бўлими етакчи ҳуқуқшуноси

САВОЛ: Аввал ширкат хўжалигида ижарачи бўлган киши фермер бўлиши мумкинми?

ЖАВОБ: Ҳа. Буни туман ҳокимияти ҳузуридаги фермерликка номзод танлаш бўйича тендер комиссияси ҳал этади.

САВОЛ: Ер ижара муносабатларининг объекти бўлиши мумкинми?

ЖАВОБ: "Ижара тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги учун ажратилган ерлар ижарага фақатгина қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун берилади.

САВОЛ: Икки нафар икки ёшга тўлмаган боласи борларга нафақа тўлаш тартиби қандай?

ЖАВОБ: Икки ва ундан кўп болалар парваришланаётган бўлса, унда болани парвариш қилиш бўйича нафақа битта болага бериладиган миқдорда энг кичик бола икки ёшга тўлгунга қадар тўланади.

Эрта тонгда Абдулазиз қўшни туманга йўл олди. Кеча ваъдалашган шериги билан учрашиб, келишилган нарсани олиб, изига қайтди.

Энди уйига кирган ҳам эдики, эшик қўнғироғи чалинди. Очса, укаси Абдуфаттоҳ турибди. У қарз сўраб келганди.

— Ака, пулингизни бир ҳафтада, 5 фоизи билан қайтариб бераман, — деди укаси ялиниб.

— Мени гуноҳга ботирмоқчимисан, биласанми, фоиз олган ҳам, уни берган ҳам кимга тенглаштирилади?

— Билмайман.

— Билмасанг билиб қўй. Фоиз олган ҳам, берган ҳам ўз онасига уйланганга тенглаштирилади. Мени гуноҳи кабирага қолдирмоқчимисан?

— Яхши, бўлмаса, олган даромадимдан ҳадя бериб кетаман, - бўш келмади Абдуфаттоҳ.

— Бунинг гапини қаранг, ҳали бу кишига биров пул берди-ю, у даромад қилди. Сендан қачон фойда умид қилувдим. Мендан бирор нарса олсанг, худди осмондан тушгандай қабул қиласан-ку, — зардаси қайнади Абдулазизнинг.

— Ўзи қанча пул керак сенга?

— Ўн миллион сўм, — деди ерга қараганча Абдуфаттоҳ.

Воажаб, дод, деб юборгиси келди Абдулазизнинг, ҳозир олиб келган пули айнан шунча эканлигини укаси қайдан билибди? Бу ҳақда ҳали ҳеч кимга гапирмаган эди-ку.

— Ака, цемент олиб келиб сотмоқчиман. Деярли бирга бир қоларкан.

— Қизиқ гапларни гапирасан. Менда шунча пул бўлса, ўзим билардим. Ундан кейин сенинг ишинг битишига ҳам ишонмайман, — қарз бермасликнинг иложини топгандай гапирди Абдулазиз.

— Ака, Худо хоҳласа ўн кун ичида пулингизни қайтариб бераман. Агар беролмасам, мана «Нексия»мни гаровга ташлаб кетаман, — деди Абдуфаттоҳ.

— Нима, энди Абдулазиз укасига қарз бериб, гаровга машинасини обқолибди, деган гап тарқалсинми? Эй ука, менга ўзимнинг «Матиз»им ҳам етади.

— Ака, тепада Оллоҳ турибди, пулингизни қайтармасам... нимага тушунмайсиз, - йиғлагудай бўлди укаси. Абдулазиз унинг юзига қараса, худди отаси раҳматли тирилиб келиб, қарз сўраётгандек бўлиб кетди. «Агар қарз бермасам, биронтадан фоизга олади. Фоиз олувчининг ҳам, берувчининг ҳам иши фалокат. Машинаси тугул, отам раҳматлидан қолган ҳовлини сотиб ҳам қутулолмайди. Кейин бу шармандагарчилик кимнинг бўйнига тушади? Бу калтафаҳмни, деб отам раҳматли гўрида тик туради-ку», боши қизиди Абдулазизнинг.

Абдулазиз чуқур «уф» тортиб, бошини чайқади. Кейин ҳозиргина олиб келган 10 миллион сўмни укасига берди.

Абдуфаттоҳ пулни олиб жўнади.

Абдулазиз ўйлади: «яхшиямки хотин уйда йўқ, болалар ҳам мактабда. Бўлмаса хотини «бу пуллар қайтмайди» деб қағилларди».

Ҳар ишда ҳам қатъият керак. Абдулазиз ишидан ташқари, қўшимча даромад олиш мақсадида деҳқончилик қилишга киришди. Ишлари янада юришиб кетди. Унинг кўнгли бўш. Бировларга қарз беради-ю ололмайди.

Бугун ўзининг жигари қарз сўраб ўтирибди. Абдулазиз имкони бўлатуриб, қарз бермасликни ўзига эп кўрмади.

Бироқ бир томони сал алам қилади-да. Абдулазиз ер олиб, чигит экаман, деганда укалари уни қўллашмаганди. Абдуфаттоҳ акасига ёрдам бермасликнинг йўлини топиб, «Ака, ўзингизнинг ишингизни қилсангиз бўлмайдими, далада сизга нима бор, эплай билмаган нечтаси ерни ташлаб кетаяпти. Эртага эл-юрт олдида уялиб қоласиз» деганди.

Бошқа укалари ҳам баҳона топишди. Улар ёрдам бермасликнинг осон йўлини тутгандилар.

Турли-туман ўй-хаёллар билан банд бўлган Абдулазизнинг ошхонада ётган жойида кўзи илинибди. Яна эшик қўнғироғи жиринглади. Хотини экан.

— Ҳа, дадаси, бунча тез келибсиз. Ишингиз битдими? — тергай бошлади хотини.

— Йўқ, битмади, — тўнғиллади Абдулазиз.

— Чой ичасизми?

— Йўқ, ичмайман.

Абдулазизнинг кўнглига қил ҳам сиғмасди.

— Хотин, шу Абдуфаттоҳни айтаман-да, — узоқдан гап бошлади у, кўнглини хотинига ёрмоқчи бўлиб. — Йиллар ўтган сайин, дадамга ўхшаб бораяпти-да,

— Ҳақиқатданам. Ўша куни боргонимизда, амаким раҳматлининг тўнларини кийиб чиқса, ёқа ушлаб қолибман.

Абдулазиз ичида «шунинг учун ҳам қарз бердим-да» деб юбормоқчи бўлди.

Беихтиёр «Бола-чақанг соғ-омон бўлиб, бир кунлик егулигинг бўлса, энг бахтли кунинг шу» деган ҳадисни эслади. Ўрнидан туриб, таҳорат олгач, бироз енгиллашди, ўзича фотиҳа ўқиб, укасининг ишлари битишини Оллоҳдан сўради. Ният қилиб, яна Қуръонни очди, Мўминлар сураси чиқди, унда закот тўғрисида оят бор эди. Шунда Абдулазизнинг қалласига бир фикр келди.

Сурани ўқиб бўлгач, закот берганда қанча бериши мумкинлигини хаёлидан кечирди. Уйда рўзғор учун ажратилган 400 минг сўм бор, у сейфнинг юқорисида турибди. Укасига бериб юборган 10 миллион сўмдан 250 минг сўм экан. Закот бериш керак экан шуни ўйлаган сайин Абдулазизнинг кўнгли равшанлаша бошлади.

Энди бу закотни кимга бериш керак? Ота-онага мумкин эмас. Укаларининг Худога шукур муҳтожлиги йўқ. Э, тўхта, раҳматли Искандар аканинг хотинига бераман. У бечора намозхон эди, хотини ҳам, бир қизи институтда ўқийди, контракт пулини нима қилаётган экан? Ўтган йили бир йиллигини фермер хўжалиги ҳисобидан кўчириб берганди. Янга (Искандар аканинг хотини) бу йилги контракт ҳақида оғиз ҳам очмади. Уялган-да.

Лекин уникига қандай қилиб боради, қизлари бўйи етиб қолган. Йўлини топдим — деди у ниҳоят 250 минг сўмни олиб, 11 яшар ўғли Абдуазизни эргаштирганча машинага чиқди.

Искандар аканинг уйи ёнига келишгач, ўғлига тайинлади.

— Ўғлим, мана бу пулни олгинда, Норбиби холага: дадам бердилар, Оллоҳ йўлига закот экан деб айт, тушундингми, — деди.

Ўғли Норбиби янганикига кириб кетди.

Бироздан кейин ўғли тўрт-бешта конфетни чангаллаганча, чопиб чиқди.

— Нима бўлди? — сўради Абдулазиз бетоқатланиб, — бердингми, уйида бор эканларми?

— Ҳа, бердим. «Оллоҳ йўлига закот», дедим, — ҳансираб жавоб берди ўғли.

— Кейин-чи?

— «Ким берди?» деб сўрадилар, «дадам» дедим. У киши дадангдан Оллоҳ рози бўлсин» деб йиғлаб, мени ўпдилар, кейин конфет бердилар, — деди.

Абдулазизнинг беихтиёр кўзи намланди.

У ерга қараганча, Оллоҳга муножот қилди, «Эй Яратган Эгам, сенинг йўлингда закот бердим, сенга суяндим».

Унинг илтижоси Ал-Хобийрга етиб борди. Чунки таъмасиз, ҳақ йўлида ёрдам қилганлиги учун, Аш-Шакур томонидан Абдулазизнинг қалбига, бунгача ҳеч туймаган янги туйғу, сакинатором туширилган эди.

Энди Абдулазизга укаси цементни олиб келиб, сотадими-йўқми қизиғи бўлмай қолди.

Абдуфаттоҳ қўшни вилоятга бориб ҳам келди, цементни сотди, битта-иккита муҳтожга бепул ҳам бериб, кўпчиликнинг дуосини олди. Фақат ўн беш кун эмас, йигирма кундан сўнг у пулни кўтариб акасиникига келганида, Абдулазиз уйида йўқ эди. У омонатни янгасига топширди.

Анвар ШУКУРОВ

ҚАРЗ

Ҳикоя

Имом БУХОРИЙ

АДАБ ДУРДОНАЛАРИ

Биродарини ғойибона дуо қилиш ҳақида

Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.): «Энг тез ижобат бўладиган дуо ғоибнинг ғоибга қилган дуосидир» дедилар.

Абдуллоҳ ибн Санобиҳий (р.а.)дан ривоят қилинади: у Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)нинг: «Аллоҳ йўлида дўстлашганларнинг дуолари тез ижобат бўлади» деганларини эшитди.

Узоқ умр сўраб дуо қилиш ҳақида

Умму Қайс (р.а.)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (с.а.в.) унга (Умму Қайсга) умри узун бўлган аёл айтган нарсани айтдилар. Биз у аёлчалик кўп умр кўрган аёлни билмаймиз .

Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) бизнинг – аҳли байтнинг олдимизга кириб турардилар. Кунлардан бир куни яна кирдилар-да, бизни дуо қилдилар. Умму Сулайм (р.а.): «Кичкина ходимингизни ҳам дуо қилмайсизми?» – деди. Ул зот: «Аллоҳим, унинг моли давлатига ва зурриёдига барака бергин, умрини узун қилгин ва гуноҳларини кечиргин» деб дуо қилганлар. Расулуллоҳ (с.а.в.) менинг ҳаққимга уч борада дуо қилдилар. 103 нафар фарзандимни кўмдим. Дарахтларим йилда икки бора мева беради ҳамда умрим шунчалик узун бўлдики, одамлардан уяладиган бўлиб қолдим, Аллоҳнинг мағфиратидан умидворман».

Банданинг ажали етмагунча дуонинг қабул бўлиши ҳақида

Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Сизлардан бирингиз гуноҳ қилмаган ва қариндошлик алоқаларини узмаган ҳолида дуо қилса ёки сабрсизлик билан шошиб дуо қилдим, лекин дуоим ижобат бўлмади, деб иддао қилмаса, албатта дуоси ижобат бўлади» дедилар».

ЧОАКБ «Кредит-Стандарт» сообщает об утере свидетельства управления по статистике г.Ташкента №52046 от 21.08.2003 года.

Маънавият сабоқлари

ОНА МУҚАДДАС

Оналар ҳақида жуда кўп ёзишган. Уларнинг буюклигини шеърга солишган. Шоирлардан ўтказиб биз, бирор гап айтолмасак-да, онанинг буюклиги ҳақида эшитганимиз, кўрганимизни сизларга илиндик. Бутун борлиги, ҳаттоки жонини ўз фарзандига бахшида этишга қодир бу зот олдида ҳар биримиз бош эгамиз. Фарзандига келган ҳар қандай балога кўксини тутган онанинг меҳри туганмасдир. Балки, онанинг муқаддаслиги ҳам шундадир. Аммо...

Хизмат юзасидан «Болалар уйи»га бордим. Хоналари шинам, озода. Чақалоқлардан то атак-чечак юришни ўрганаётган, тиллари чучук болакайларнинг барчасига шарт-шароит яратилган. Уларга хизмат қилаётган меҳрибон тарбиячиларнинг бағри кенглигини кўриб, рости, ҳайратда қолдим. Ана шундай жажжиларнинг бир нечтаси атрофимни ўраб олишди. Улар орасидаги бир қизча мунгли кўзларини жавдиратганча:

— Сиз менинг дадаммисиз, ойимни олиб келмадингизми? — деб сўраб қолди. Кутилмаган бу саволдан ўзимни йўқотиб қўйдим. Ота-она меҳрига ташна бу қалбга жароҳат етказмаслик учун «Улар, албатта, келишади» дея олдим, холос. Шунда қизчанинг нигоҳлари ерга қадалди. Уни юпатишга ҳаракат қилдим-у лекин эплай олмадим. Умидлари амалга ошмай, дардлигича қолаётган бу қизчанинг ҳолати юрагимни эзиб юборди.

У билан хайрлашар эканман, жиққа ёшга тўлган кўзларида «Эртага ойимни олиб келасиз-а» деган мунгли илтижони кўрдим. Мени кузатар экан, ота-онасининг дийдорини бир кўриш илинжида орқасига қараб, тарбиячиси ортидан секингина кетарди. Бу айбсиз норасида билан орамиздаги масофа узоқлашгани сайин, ҳаёлан унинг ота-онаси билан неча бор суҳбатлашдим. Ялиндим, ёлвордим. Шу гўдак, шу мунгли кўзлар ҳаққи уларни излаб топгим келди. Ҳа, баъзиларнинг ўйламай босган қадами туфайли бир кўнгил вайрон бўлиши, бир умр армон билан яшаши мумкин-ку. Наҳотки, шуни тушунишмаса!?

Бир неча кун ана шундай ҳолатда юрдим. Ўтирсам ҳам, турсам ҳам хаёлимдан қизалоқ кетмади. Уни бир неча бор кўришга бордим. Ширинликлар олиб бордим. Лекин унга ширинлик эмас, ўзи хоҳлаганчалик меҳр бера оладиган, уни эркалайдиган ота-онаси керак эди.

Ана шундай жигарбандидан юз ўгирган кимсалар ҳақида ўйлар эканман, бир неча йил аввал эшитган бир воқеа эсимга тушади.

Айтишларича, қатағон йилларининг алғов-далғов кунларининг бирида, жон сақлаш мақсадида кечаси ёлғиз она уч боласини олиб, дарё бўйига келади. Қирғоқда турган қайиққа ўтиришади. Қайиқда кўпчилик бўлишига қарамай, ҳамма жим эди. Чунки, дарё қирғоғида турган аскарлар ҳар бир шарпага ўт очардилар. Кутилмаганда осмонни булут қоплаб, кучли шамолдан дарё тўлқинланиб, қайиқни ағдаргудек чайқатади. Қўрқувдан ҳалиги аёлнинг икки яшар фарзанди йиғлай бошлайди. Жаҳли чиққан қайиқчи онага дўқ уриб, агар боласини жим қилолмаса ўққа тутилишгини айтади.

Бу гапни эшитган она дилбандини маҳкамроқ бағрига босади. Шу пайт қайиқчи ҳеч кўнмаётган болани онанинг қўлидан тортиб олиб, дарёга ирғитиб юборади-да:

— Агар тирик қоламан десаларинг жим ўтирларинг, — деб дағдаға қилади.

Боласининг йиғи овозини эшитаётган она қайиққа ёпишиб, уни кетишга қўймайди. Ҳатто тилла тақинчоқларини ҳам қайиқчига беради. Аммо бемеҳр, ўз жонини ширин билган қайиқчи унга қулоқ солмай, суза бошлайди. Шунда она икки фарзандини қайиқда қолдириб, чўкаётган гўдагининг орқасидан ўзини дарёга ташлайди. Қайиқдагилар эса ҳайратдан қотиб қолишади.

Буни қарангки, дарё тўлқинлари она ва болани оролча четида илиниб қолган ёғоч гўла устига чиқариб қўйганди. Манзилига етиб келган қайиқ қирғоққа келиб тўхтайди. Йўловчилар не кўз билан кўришсинки, қирғоқ четидаги ғўлада икки жон бешикаст ўтирарди.

Оналар қалби бардош бермаган дард, улар енгмаган изтироб йўқ. Ҳатто, онанинг руҳи келиб ўз фарзандини балолардан асрагани ҳақида ҳам кўп эшитганмиз.

Ҳа, она муқаддас, она азиз, мўътабар. Аммо, юқоридагидек аёллар ҳам борки, уларни она дейишга ҳам тилинг бормайди. Улар ҳатто ўз жисму жонларидан бино бўлган фарзандларини ҳам тан олишмайди. Соғинмайди. Буларни эса она дейиш қийин. Улар ўтмишларидан қолган хатоларини ҳалигача тузатмай, ўзини кимлигини билмай юрган кимсалардир.

Шунингдек, биз севган, эъзозлаган оналар ҳам жуда кўп. Уларни ҳар қанча ардоқласак, шаънига энг гўзал сўзларни айтсак ҳам оз. Улар нафақат ўз оилаларининг, балки миллатнинг оналаридир. Ана шундай оналаримиз бор экан, юртимизда гуркираб, соғлом авлод камол топаверади.

Негаки, она борки, сизу биз бормиз, ҳаёт бор.

Маҳмуд АШУРОВ,
Сирдарё вилоят «Маърифатпарвар» жамияти раисининг ўринбосари, Халқ таълим аълочиси

Истиқлол ва имконият

Халқимизда саломатлик-туман бойлик, соғлиғинг-бойлигинг каби пурҳикмат нақллар бежизга айтилмаган. Зеро, инсон меҳнатининг унумли бўлиши ҳам кўп жиҳатдан тани сиҳатлиққа боғлиқ. Шу боис мамлакатимизда аҳоли саломатлигини сақлаш, уларнинг тиббий маданиятини ўстириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, қишлоқ жойларида одамлар соғлиғини мустаҳкамлашда қишлоқ врачлик пунктларининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

ЭЛ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Қибрай тумани марказий шифохонасига қарашли Байтқўрғон қишлоқ врачлик пунктида барча ишлар намунали йўлга қўйилган. Айни пайтда бу ерда 8108 нафар аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Ўтган йили янги бинода ўз фаолиятини бошлаган мазкур шифо маскани "Саломатлик-2" дастури асосида тиббий ускуналар билан таъминланган. Лаборатория ва бошқа хоналардаги аппаратуралар беморларга ўз вақтида ва тўғри ташхис қўйишда қўл келмоқда.

- Агар ҳар бир соҳа ходими ўзи учун зарур бўлган иш қуроллари билан етарлича таъминланса, ишидан қониқади, сидқидилдан меҳнат қилади, - дейди ҚВП бўлим мудири Гулноза Рихсибоева. - Биз шифокорлар ширин сўзимизни, бор билим ва тажрибаларимизни қўллаб, беморлар дардига малҳам бўлишга ҳаракат қилаяпмиз. Замон талабларига мос, қулай шароитларга эга бинода тиббий асбоб-ускуналардан фойдаланиш ҳар икки томон, яъни шифокор ва бемор учун ҳам яхши, албатта.



Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Шифо масканининг 21 кишилик жамоаси эл саломатлиги йўлида меҳнат қилишмоқда. Гинеколог Холисхон Абдуллаева, доя Набира Усмонова, болалар шифокори Машҳура Шодибековалар ўз касбининг билимдони сифатида нафақат жамоадошлари, балки аҳоли орасида ҳам ҳурмат қозонишган.

Бир сўз билан айтганда, бу ерда соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасидаги вазифаларни адо этишда барча бирдек масъулият билан ҳаракат қилаётганлиги сезилиб турибди.

Ҳидоят ЖЎРАЕВА,
"Ишонч" мухбири

Инсон ва табиат

АТРОФ-МУҲИТГА ЯПОНЧА МУНОСАБАТ

— Фуқаролари узоқ-умр кўрадиган мамлакат қайси?
— сўрайсиз ва шу заҳоти:
— Япония, — деган жавобни эшитасиз.
— Экологик ҳолати бўйича қайси давлат олдинда? — яна савол берасиз ва тағин:
— Япония, — деган жавоб жаранглайди.
Зеро, юқоридаги жавобларнинг бири иккинчисини тўлдиради.

Яқинда Наманган вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходими Воҳиджон Ҳайитбоев махсус сафар билан ана шу афсонавий мамлакатда бўлиб, у ерда ташкил этилган «Марказий Осиё давлатлари учун табиатни муҳофаза қилишнинг маъмурий бошқаруви» деб номланган бир ойлик курсда ўқиб қайтди. Воҳиджон кунчиқар мамлакатда бўлган чоғида олган таассуротларини шундай ҳикоя қилади:

— Баъзи бировлар билан шу мавзуда мулоқот қилсангиз, Япония қитъадан анча нарида, алоҳида маконда жойлашган, муҳими, Европанинг атроф-муҳитга жиддий зиён келтирадиган индустриясидан олисда, атрофи океан сувлари билан ўралган, деган гапни айтишади. Ахир, қанчадан-қанча давлатлар алоҳида ороллларда жойлашган ва уларда юқорида тилга олинган ҳар икки кўрсаткич Япония даражасидан анча орқада-ку!

Гап шундаки, бу мамлакатда кўп соҳада бўлганидек, атроф-муҳит мувозанатини сақлаш, табиатга муносабат масаласида ақли донишлик билан иш олиб борилади.

Аввало, мен ўқувчилик йилларимданоқ ушбу олис мамлакатга, унинг табиати, фуқаролари ҳаётига қизиқардим. Улғайиб вояга етиб, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида ишлашим ва ниҳоят ана шу олис ўлкага қадамим етиши нур устига нур бўлди. Хизмат сафаримиз асосан Хоккайдо оролида жойлашган Саппоро шаҳрига тўғри келди. Биз бир ойлик ўқиш давомида Японияда табиатни муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилаётган ишларни, бу борада юзага келган муаммоларни бартараф қилиш бўйича тажрибаларни ўргандик.

Япония бугунги кунда ғоят тараққий этган, саноати беқиёс ривожланган Европадан минглаб чақирим олисда жойлашганлигига қарамасдан, кўп соҳада ундаги қатор давлатлардан аллақачон ўзиб кетган. Чунончи, Германия, Франция ва Англия каби давлатларда хизматини ўтаб бўлган транспорт воситалари, уйрўзғор анжомлари шаҳар чеккаларида тоғ-тоғ бўлиб уюлиб ётган бўлса, Японияннинг бирон жойида бу ҳолатни кўрмайсиз. Бу ерда ҳеч нарса чиқитга чиқарилмас экан. Масалан, Саппоро шаҳрида шундай ҳолатни ўз кўзимиз билан кўрдик. Чиқиндиларни ёқувчи, майдаловчи ва утилицазия қилувчи корхоналар фаолияти йўлга қўйилган. Озиқ-овқат чиқиндиларидан чорва ҳайвонлари учун ем, ёғоч чиқиндиларидан аҳоли эҳтиёжи учун пресслanган ўтинлар, турли хил кийим-кечаклар, халқ хўжалиги ва турмушда ишлатиладиган керакли буюмлар ишлаб чиқарилар экан.

Электр энергияси ишлаб чиқарувчи Томата Ацумоа акционерлик жамиятида бўлдик. Бу ерда кўмир ёқилганда ҳосил бўладиган чиқиндилар махсус қурилмалар ёрдамида ушлаб қолиниб, совун ва турли хил ёқимсиз хидларни бартараф этувчи воситалар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган.

Саппоро шаҳридан 50-60 километр узоқликдаги Томакомий қишлоғи баландлигида ихтисослашган марказ жойлашган ва у шаҳардаги атроф-муҳитини ифлослантирувчи иншоотларни телеметрик тизим орқали назорат қилади. Ушбу иншоотлардаги ифлослантирувчи манбалар компьютер тизимига уланган. У ифлослантирувчи моддаларнинг меъёридан ортиқ ёки камлигини кўрсатиб беради ва бу маълумотлардан аҳоли интернет орқали хабардор бўлиши мумкин.

Шаҳардаги ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш бўйича ҳам японияликларнинг ўз тажрибалари мавжуд. Ҳар бир дарахт номерланган. Оролнинг қайси бир шаҳар ёки қишлоғига борманг, у ердаги озодаликни кўриб, дилингиз яйрайди. Йўлда кета туриб сигарета чекиш қатъий тақиқланган. Агар чеккан кимса бўлса, унга катта миқдорда жарима солинади.

Хуллас, мамлакатнинг қаерида бўлмайлик, ҳаммасида саранжом-саришталикни, хушахлоқ ва хушмуомалаликни, атроф-муҳитга меҳрибонлик ва билимдонлик билан муносабатни кўрдик. Бирон жойда синиб ётган ниҳолга, дарахт шохига, сигарета қолдиғига дуч келмайсиз. Шуларни назардан ўтказар экансиз, инсон умри шундай мамлакатда узоқ бўлмасдан яна қаерда узоқ бўлсин, деган фикр беихтиёр хаёлингиздан ўтади.

Суҳбатдош:
Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири

Тарихсиз келажак йўқ

ҲАЗРАТИ ҚОСИМ ШАЙХ

Қадимий Кармана ва навқирон Навоий шаҳри қўшилган жойда салобатли Қосим Шайх жоме масжиди асрлар оша қад ростлаб турибди.

Ҳазрати Қосим Шайх номлари билан аталувчи бу ёдгорлик мажмуаси Бухоро ва Самарқанд ўртасидаги энг муҳташам, маҳобатли тарихий обида сифатида қадрлидир. Маънавиятимиз, миллий маданиятимизга муносабат ўзгаргандан буён бу масканга ҳам эътибор кучайди. Саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, масжид ва унинг атрофи, ҳазрат даҳмаси қайта таъмирланиб, ободонлаштирилди.

Тарихий манбаларга кўра, Ҳазрати Қосим Шайх Мовароуннаҳрнинг XVI асрдаги сиёсий ҳаётида сезиларли даражада ўз обрў, мавқеига эга бўлган улуғ зотлардандир. Турон заминимизнинг XVI асрдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётини бизгача етказиб беришда катта ўрин тутган Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Шарафномаи шоҳий» («Абдулланома») асарида ҳам Ҳазрати Қосим Шайх ҳақида қимматли фикрлар айтилади, аниқ маълумотлар берилади, йирик мутасаввуфнинг инсоний фазилатлари, башоратлари, эл-юрт ободонлиги, ислом аҳлини бирлаштириш, элларарo сулҳни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, адолатсизликдан ҳимоя этишга интилгани зикр этилади. Алқисса «олийжаноб ҳазрат, тариқат эгаси, ҳақиқат насабли, вилоят буржининг юлдузи, ҳидоят сандиғининг гавҳари» дея эътироф этилади.

Шайхларнинг таржимаи ҳолига бағишланган Саййид Муҳаммад Носирнинг «Туҳфат аз-зоирин» (Зиёратчиларга совға) асарида Қосим Шайхга берилган хислатлар ўз аксини топган.

Асарда айтилишича, Бухоро хони Абдуллахон энг қийналган пайтларида Қосим Шайхга мурожаат қилиб, маслаҳат сўраган. Тошкент ва Туркистон ҳокими Наврўз Аҳмадхон 1551 йили Бухоро, Миёнқолни босиб олиш учун юриш бошлайди. Қосим Шайх хонга мудофаани эгаллашни маслаҳат беради. Кармана учун бўлган жанг 12 кундан зиёд давом этади ва ниҳоят Абдуллахон душман билан сулҳ тузишга эришади. Кучлар тенг бўлмаган бир пайтда хон учун бу ғалаба эди.

Абдуллахон ўз пири Қосим Шайхга бўлган эътиқоди юзасидан ҳижрий 966 (милодий 1558) йилда Кармана-да хонакоҳ барпо қилди.

Қосим шайхнинг халқ манфаатлари ҳимоячиси бўлганлигини шундан ҳам билса бўладики, у солиқ йиғувчилар томонидан аҳолига тазйиқ ўтказилишига қарши чиқиб, мамлакат фаровонлиги учун курашган. Қосим Шайх тўғрисида «Абдулланома»даги қуйидаги сўзлар диққатга сазовордир: «Ул ҳазратнинг кимё хосият хаёлларида бутун вилоят жамиятини бирлаштириш, турли табақадаги халқни яхши кун кечириши, мамлакат ва мулкни осойишталиги, яхшиларга хизмат ва илтифот кўрсатиш бўлган». («Абдулланома» 2-жилд, 248-бет. Т — 1969 йил).

«Туҳфат аз — зоирин» асарида қайд этилишича, Қосим Шайх ғайри оддий хусусиятлар соҳиби, кароматлар қила оладиган шайх бўлган.

Қосим Шайх вабо касалига йўлиқиб, ҳижрий 989 йил (1581 й.) Карманада вафот этади ва шу ерда дафн қилинади. («Туҳфат аз-зоирин», 134-бет.).

У ҳақда халқ ўртасида кўпгина афсона ва ривоятлар яратилган.

Эмишки, кунлардан бир кун Қосим Шайх барча шогирду муридларига, хешу ақраболарга тўпланишни буюриб, шундай дебди:

— Азизларим, сизларни тўплашдан мақсад мен эртага бу дунёдан у дунёга рихлат қиламан. Сизларга васиятим шуки, менинг ҳокимни Зарафшон дарёсидан нарига ўтказиб, чўлнинг ўртасида қуруқ жойга, карвон йўлига яқин бўлган тинч, тупроғи тоза жойга қўйинглар.

Ўтирганлардан бири:

— Тақсир, ҳали сиз кўп умр кўрасиз, бизни ташлаб кетманг, — дейди.

Қосим Шайх:

— Йўқ, бу тақдири азал, ҳар ким ҳам вақти соати келиб бу фоний дунёни ташлаб, боқий дунёга кетиши керак, шунинг учун менинг васиятимни амалга оширинглар деса, ўтирганлар дарё ғоят тошганини, устига-устак унда кўприк йўқлигини важ қилиб, бизни ташлаб кетманг, деб туриб олишади.

Шунда Қосим Шайх дарёда сув тошган бўлса, унга кўприк бўлмаса ҳам сизлар менинг тобутимни дарё қирғоғигача кўтариб бориб, баланд овозда: «Биз Қосимни кўмишга олиб кетяпмиз» десангизлар мушкулингиз осон кечади, дейди ва муридларига имони ўзи билан кетиши учун, шайтон шерик бўлмаслиги учун, чилёсин сурасини бошлашни буюради.

Қосим Шайхни дафн маросимидаги барча удумларни қилиб, тобути билан дарёга яқинлашадилар. Олдиндаги муридларидан бири дарёга қараб, биз Қосимни кўмишга олиб кетяпмиз, йўл бергин, дегач дарё суви иккига бўлиниб, тобуткашларга йўл беради. Қосим Шайхни айтилган жойга кўмиб қайтишда ҳам худди шу тахлитда дарёдан ўтишади... Шу-шу ислом оламида яна бир шайх донг таратади, ислом аҳлининг эса унга нисбатан ихлоси чандон ортади.

Абдуллахон даврида бунёд этилган хонақоҳнинг шарқий томонида Қосим Шайхнинг сағанаси бор. Сағана ўрни тахминан 5х6 м. пишиқ ғишт (Абдуллахон ғишти) билан териб чиқилган, баландлиги тахминан 1,5-2 м бўлган. Қуръон оятлари ёзилган мармар тош бўлаклари ҳозиргача сақланган. Энди хонақоҳнинг қурилишига келсак, у тахминан 15-20 йил ичида қуриб, битказилган. Хонақоҳнинг уч томони ташқи кўриниши қунгурадор қилиб безатилган қурилмадан иборат. Бинонинг умумий кўринишида баланд гумбаз ажралиб туради, у бино томидан тахминан 9 метр кўтарилган бўлиб, гумбаз деворлари орасида бўшлиқ жой қолдирилган. Иссиқ, совуқ вақтларда бир хил ҳарорат бўлиши учун шундай қилинган бўлса ажаб эмас. Гумбазнинг ташқи томонининг тепа қисми кўк ғиштчалар билан қопланган. Ундан пастда нилуфарий ранг билан куфий усулда Қуръон оятларидан намуналар ёзилган.

Хонақоҳнинг ичида 7 та хона бўлиб, ўртада катта зал, кунботар тарафда меҳроб ўрнатилган. Бинонинг баландлиги ва катталиги ҳисобга олиниб, унинг тўрт бурчида зилзилалар пайти бардошликни ошириш мақсадида суяб турувчи 4 та хоналар қурилган. Бинонинг ичи ганч билан қопланиб, унга енгил безак берилган. XVI асрда яшаган бухоролик номаълум устанинг чизмаларида Қосим Шайх хонақоҳининг монументал плани топилган.

Ромитандаги Мулло Мир, Бухородаги Нодир девонбеги мадрасалари ҳам ушбу бинога ўхшаб кетади.

Шухрат ХАЛИЛОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилоят Кенгаши раиси

«Тошкентгазтаъминот» унитар корхонасининг маъмурияти, «Зангиотатумангаз» филиалининг директори Жалолиддин Турсуновга отаси **ЖАББОР ота**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. О'К.U.F. F.T.U.U. ОЛИЙ БАХТ

БОШ МУҲАРРИР
Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:
Алла Долженкова, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Ғуломзокир Юсупов

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият 153-52-78
Бўлимлар
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими: 153-87-63
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими: 153-87-73
Ижтимоий-иқтисодий сиёсат бўлими: 153-87-74
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт бўлими: 153-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими: 153-85-43
Реклама ва эълонлар бўлими: 153-03-90

БИЗНИНГ МАНЗИЛ:
700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи котиб - А.Алламуродов
Навбатчи муҳаррир - Ғ.Юсупов
Навбатчи - Т.Шернаев
Мусаҳҳиҳ - Д.Комолов

Саҳифаловчи-дизайнер: З.Бакиров ва Ю.Михайловский

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 17.40

Буюртма Г— 015
Тиражи: 19246
1 2 3 4 5

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси